


## Қиёмат кунда нажот ва ютуқ



09:00 / 14.03.2023 5753

Қиёмат кунда (банда эришадиган) нажот, ютуқлар орасидаги фарқ

1. Фавзул мубин (Очиқ-ойдин ютуқ).
2. Фавзул кабир (Катта ютуқ).
3. Фавзул азим (Буюк ютуқ).

1- Фавзул мубин – дўзахдан нажотнинг айнан ўзидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

**«Айтинг: «Албатта мен агар Парвардигоримга итоатсизлик қилсам, улуғ кунда (Қиёматда Аллоҳ томонидан) бўладиган азобдан кўрқаман. Ўша кунда кимдан (азоб) четлатилса, бас унга (Аллоҳ) раҳм қилибди. Мана шу очиқ нажотдир!»,** деган. *(Анъом сураси, 16-17-оятлар).*

2 – Фавзул кабир – жаннатга киришнинг айнан ўзидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

**«Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк саодатдир»,** деган. *(Буруж сураси, 11-оят).*

3 – Фавзул азим- Аллоҳнинг розилигига эришишдир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: **«Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир. Мана шу буюк саодатдир»** деган. *(Тавба сураси, 72-оят).*

Аллоҳ сизу бизни ютуққа эришувчилардан қилсин!

***Манба: arabic.uz***